



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MILLIY XALQ PALATASI

Shu aziz Vatan — barchamizniki!

O'ZBEKISTON OVOZI


• 2010-yil • 5-iyun • Shanba • 66 (31.186) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan
www.uzbekistonovozi.uz Ijtimoiy-siyosiy gazeta el-pochta: info@uzbekistonovozi.uz

Янги
аъзолар
қабул
қилинадими?



> 2

Сув ичкингиз
келяптими?



> 5

Электровозлар
тақдимоти



> 6

Жаҳон
чемпионати —
2010



> 8

ГАЗЕТАМИЗГА ЙИЛНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА! ВАҚТНИ БОЙ БЕРМАНГИ!

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари жойларда ижтимоий ислохотлар самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда



■ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг сайлов округларида аҳоли билан учрашувлари ниҳояси-га етмоқда. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг парламент қуёи палатасидаги фракцияси аъзолари билан бўлган мулоқотларда асосий эътибор «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун, «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ва 2010 йилда янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг ижросига қаратилмоқда.

ХХР РАИСИ ХУ ЦЗИНЬТАОНИНГ ЎЗБЕКISTONГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао 2010 йил 9-11 июнь кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади, шунингдек, ШХТ саммитида иштирок этади.

Ташриф давомида Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлигини кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган икки томонлама ҳужжатлар имзолашни режалаштирилмоқда.

ДЕПУТАТЛАР
БИЛАН
УЧРАШУВЛАР

2-3-бетлар

5 июнь об-ҳавоси

Тошкент	27°C	Лондон	21°C
Самарқанд	28°C	Париж	26°C
Нукус	26°C	Москва	14°C
Қарши	30°C	Мадрид	27°C
Урганч	28°C	Пекин	18°C
Навоий	26°C	Гонгконг	26°C
Фарғона	25°C	Рим	22°C
Бухоро	26°C	Анкара	19°C
Андижон	25°C	Токио	23°C
Наманган	26°C	Стокгольм	15°C
Термиз	32°C	Кейптаун	24°C
Жиззах	28°C	Қоҳира	28°C
Сирдарё	28°C	Гавана	35°C
Тошкент вил.	27°C	Вашингтон	18°C

ЎЗБЕКISTON — ОСИЁДА БИРИНЧИ!

Пойтахтимиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида самбо бўйича Осий очиқ чемпионати якунланди.

Ҳамюртларимиздан Амиржон Бойқулов, Ихтиёр Бекмаев ва Рифат Раҳматуллаев олтин медалга сазовор бўлди. Нодирбек Тўраев ва Дилшод Мавлонов бронза медал билан тақдирланди.

Қизларимиздан Дилфуза Темирова, Нигина Рўзиева, Юлдуз Мустафоева шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилди. Рухсора Умирова ва Ёдгора Давронова кумуш медал билан тақдирланди. Анна Исаева ва Викторя Оздаевага бронза медал таъминланди.

Меҳрнинг сурати

имконияти
чекланган
болалар чизган
расмларда
акс этди

Куни кеча Мирзо Улуғбек номли маданият ва истироҳат боғида ўтказилган «Мафтункор ранглар жилоси» болалар расмлари танлови бўлиб ўтди. Имконияти чекланган болалар билан бирга, уларнинг ота-оналари, тарбиячилари мусобақа ҳаяжонларини бошдан кечирдилар.



O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT
XALQARO
AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

«Ўз таклифларимизни билдирдик»



Гуруҳ 83-Паркент сайлов округи ҳудуди (Паркент тумани ҳамда Юқори Чирчиқ туманининг бир қисми)да «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун, «Баркамол авлод йили» Давлат дастури, 2010 йилда иш ўринлари яратиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш дастурлари ижросини ўрганишга киришди.

Шухрат Турсунбоев Паркент туманининг 9 та, Юқори Чирчиқ туманининг 6 та кишлоқ фуқаролар йиғинида учрашувлар ўтказди. Тадбирларда туман газлаштириш, электр тармоқлари, йўл қурилиши, Сувоқова идоралари, халқ таълими, ижтимоий таъминот бўлими, марказий шифохона раҳбарлари иштирок этди. Бу эса тушаётган ҳар қандай саволга жойнинг ўзида жавоб қайтариш, масаланинг ечимини биргаликда топиш имконини берди.

Паркент туманининг ўн мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган Паркент кишлоқ фуқаролар йиғинидаги учрашув ҳам икки томоннинг мулоқоти асосида ўтди. «Бойқозон» маданият ва спорт мажмуасига юзлаб одамлар тўпланди. Депутат уларга ўз фаолияти ҳақида сўзлаб берди. Қонунчилик палатасида кўриб чиқиладиган ҳужжатлар, улар-

нинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритди. ЎзХДП фракциясининг партия Сайловолди дастури асосида амалга ошираётган ишларига алоҳида тўхталди. Ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлам манфаатини самарали ҳимоялашга қаратилган ташаббуслар ҳақида фикр юритди.

— Сайловчидан узилган депутат фаолияти самарасиз бўлади, — деди у. — Сизнинг ҳар бир фикрингиз биз учун жуда муҳим. Қабул қилинаётган қонунларнинг ҳар бир банди мана шундай учрашувлар самараси бўлган фикрлар билан бойиса, у тўлақонли бўлади. Яъни қонун лойиҳаси депутат воситасида сизнинг муҳокаманингиздан ўтиши керак.

Депутат ва ишчи гуруҳи аъзолари, мутахассислар уларнинг ҳар бир саволига жавоб қайтарди, тегишли вазифаларни ўзлари учун белгилаб олишди.

Учрашувдан сўнг депутат таассу-

ротлари билан қизиқдик.

— Мазкур тадбир сайловдан кейин бизга овоз берган кишилар билан биринчи мулоқотимиздир, — деди Шухрат Турсунбоев. — Биласизми, одамлар кўпроқ сайлов олдида партиямиз ўз зиммасига олган вазифаларни бажариш учун қандай ишлар қилинаётгани билан қизиқмоқда. Тегишли қонунларни такомиллаштириш бўйича таклифлар айтмоқда. Худудлардаги ижтимоий масалаларга эътиборимизни қаратмоқда. Буларнинг барчаси биз учун жуда муҳимдир.

— Депутат билан учрашув ҳақида бир ҳафта илгари хабар қилишди, — дейди «Бойқозон» маҳалла фуқаролар йиғини котибаси Холида Қўзибоева. — Шунинг учун ҳам парламентдаги вакилимизга айтадиган фикрларни олдиндан тайёрлаб кўйган эдик. Мана, қутилганидек, учрашув жуда сермазмун ўтди. Биз айрим қонунларга ўзгартишлар киритиш бўйича депутатга ўз таклифларимизни билдирдик.

Бехзод ШУКУРОВ.

Қабул қилинаётган қонунларнинг ҳар бир банди мана шундай учрашувлар самараси бўлган фикрлар билан бойиса, у тўлақонли бўлади. Яъни қонун лойиҳаси депутат воситасида сизнинг муҳокаманингиздан ўтиши керак.

ҚОНУНЛАР ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ

■ Қонунчилик палатаси депутати, Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Нодир Жумаевнинг пойтахтнинг Юнусобод, Мирзо Улуғбек туманларидаги аҳоли ва электорат вакиллари билан учрашувларида қонунлар ижросини изчил таъминлашга қаратилган қатор таклифлар билдирилди.

— 130-Бодомзор сайлов округи ҳудудидаги қатор маҳаллалар, меҳнат жамоаларидаги учрашувларда маълум бўлдики, сайловчиларда парламентимизнинг бугунги фаолияти билан яқиндан танишиш истаги юқори. Шу боис уларга бу ҳақда батафсил сўзлаб бераёпман. Шуниси қувончлики, қонунларнинг ижросини таъминлаш, назорат қилишда парламентнинг ролини кучайтириш борасида қатор таклифлар тушяпти. ЎзХДП фракцияси фаолиятига ҳам қизиқиш жуда катта.

Бизнинг ташаббусимиз билан кўтарилаётган масалаларни улар фаол қўллаб-қувватлашмоқда. Сайлов округидаги учрашувларда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига партиямиздан сайланган депутатлар, партия кенгашлари раҳбарлари ҳам иштирок этмоқда, бизга яқиндан ёрдам бермоқда. Улар, биринчидан, қонунларнинг жойлардаги ижросини ўрганишга кўмаклашаётган бўлса, иккинчидан, сайловчилар кўтариётган ва бевосита маҳаллий Кенгаш ваколатига кир-

диган масалаларни белгилаб олишмоқда.

Депутатнинг Мирзо Улуғбек туманидаги «Олимлар» маҳалла фуқаролар йиғинидаги аҳоли билан учрашуви, айниқса, савол-жавобга бой бўлди ва қизғин фикр алмашув асосида ўтди. Депутат парламент фаолияти, Меҳнат ва ижтимо-

Ўтаётган учрашувлардан маълум бўлдики, сайловчиларда парламенти- мизнинг бугунги фаолияти билан яқиндан танишиш истаги юқори.

ий масалалар қўмитаси томонидан тайёрланаётган масалалар, ЎзХДП фракцияси ташаббуслари ҳақида гапириб

бергандан сўнг икки томонлама мулоқот бўлди. Айниқса, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун ижроси билан боғлиқ фикрлар барчада қизғин муносабат уйғотди.

Депутат мамлакатимизда қандай қонун ва қарорлар қабул қилинмасин, уларнинг барчаси инсон манфаатларига қаратилганлиги, ҳар бир шахснинг ҳақ-хуқуқлари, манфаатлари қонунлар ҳимоясидалиги, сайловчилар томонидан кўтарилган масалалар юзасидан мавжуд қонунларга қўшимча ва ўзгартишлар киритилиши таклифи билан чиқишини маълум қилди.

— Депутатимиз билан бўлган учрашувдан барчамиз хурсанд бўлдик, — дейди фуқаро Қутбиниса Эгамбердиева. — Мамлакатимиздаги ислохотлар билан батафсил танишдик. Қолаверса, кўплаб саволларимизга жавоб олдик.

Гулрух ОДАШБОЕВА

Амалий мулоқотлар

Қашқадарё вилоятидан сайланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Машкура Сафаева, Гулноза Эрназарова ва Саттор Раҳматовлар аҳоли билан учрашувларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолияти, қонун ижроси назорати, бунда депутат вазифаси ҳақида тушунчалар беришди. Учрашувларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳам иштирок этишди.

Депутатлар қонун ижодкорлиги ва қонунлар ижросини назорат қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратишди. Бу борада маҳаллий Кенгашлар депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорлик, Жамоатчилик қабулхоналарига бўлаётган мурожаатлар таҳлили муҳим аҳамиятга эгаллиги таъкидланди. Шунингдек, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун парламентдаги турли партиялар фракциялари иши самардорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

Бўлиб ўтган учрашувларда аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатлар, бошқарув идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда маҳалланинг ўрни муҳимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Мулоқотлар чоғида кейинги йилларда Қонунчилик палатасидаги фракциялар фаолияти кучайиб бораётгани айтилди.

Сиёсий партия вакиллари билан қонун лойиҳалари ишлаб чиқишдаги иштироки, қонун лойиҳаларини такомиллаштириш бўйича бераётган таклифлари амалий тус олаётгани эътироф этилди.

Бундай ижобий ўзгаришларда айнан аҳоли билан учрашувлар янги тарзда, амалий мулоқот асосида ўтаётгани муҳим роль ўйнамоқда.

Учрашувларда одамлар ўзларини қизиқтирган саволлар билан депутатларга мурожаат қилишди.

Музаффар ТУРОПОВ

ҲАЁТ БОШҚА, ҚОНУН БОШҚА БЎЛОЛМАЙДИ

■ - Маълумки, мамлакатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида депутатларда ташаббус ҳамон етишмаётганлиги, сайловчилар билан учрашувлар номига ўтказилаётгани ҳақида танқидий фикрлар билдирган эди. Шу кунларда бўлаётган учрашувлар депутатларнинг ҳаётга, одамларга, ўз бурчига масъулият билан ёндашаётганини кўрсатмоқда.

123-Насаф сайлов округидан сайланган депутатимиз Комила Каромова Қарши шаҳридаги Хўжахиёл маҳалла фуқаролар йиғини идорасида аҳоли билан бўлган учрашувда бу ҳақда алоҳида тўхталди. Шунингдек, яратилаётган қонунлар моҳияти, одамларга улардан қандай наф тегишини содда қилиб тушунтириб берди. Савол устига савол ёғилди. Айрим муаммолар, ҳуқуқий ҳужжатларнинг етарли даражада ишламаётгани каби масалалар кўтарилди.

— Фаолиятимизни бошлаганимизга беш ой бўлди, — деди Комила Каромова. — Шунингдек, алоҳида таъкидламоқчиманки, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз аъзолари аҳолининг ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ масалаларни доимий равишда диққат марказида ушлаб турибди. Айниқса, ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламнинг манфаатлари ҳимоясини янада такомиллаштириш масалалари устида жиддий ўйлаб кўришимиз зарур.

2010 йилги Давлат

бюджетиди ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Унда ижтимоий соҳалар учун жами харажатнинг 56,5 фоизи ажратилди. «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунга ва «Солиқ Кодекси»га киритилган тегишли ўзгаришларга кўра, ҳарбий хизмат, ички ишлар органларидаги фаолияти даврида ҳалок бўлганларнинг ота-оналари, бевасига (ёки эрига) энг кам иш ҳақининг 30 фоизи тўлаб борилиши белгиланди. Солиқ имтиёзлари берилди.

Фракциямиз аъзоларининг

Ижтимоий соҳалар учун

2010 йилги Давлат бюджетиди ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Унда ижтимоий соҳалар учун жами харажатнинг 56,5 фоизи ажратилди

ташаббуслари билан касаначиликни янада ривожлантириш, жамоат жойларида тамаки маҳсулотлари истеъмолини чеклаш, таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланишни тартибга солишга қаратилган янги қонунлар лойиҳалари устида иш олиб борилапти. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунга қўшимча ва ўзгаришлар киритиш юзасидан ҳуқуқий ҳужжат ҳам тайёрланмоқда. Бу ишларнинг барчаси аҳоли, шу жумладан, электоратимиз манфаатларини акс эттиради.

Учрашув қизгин баҳс-мунозаралар билан ўтди. Комила Каромова шу кунги Қарши шаҳар ҳокимлигида жамоат ташкилотлари вакиллари билан ҳам учрашди.

Депутат, шунингдек, жойларда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун, «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ҳамда 2010 йилда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижросини ҳам ўрганмоқда, одамларни қабул қилиб, фикр-мулоҳазаларини тингламоқда.

Юнус УЗОҚОВ



ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАС БЎЛИШ ДЕПУТАТНИНГ ВАЗИФАСИДИР

■ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг аҳоли билан учрашувлари бу гал янгича мазмун касб этди. Илгари депутат ўз ҳисоботи ва берилган айрим саволларга жавоб қайтариш билан чекланарди. Энди эса депутатлар қабул қилинган қонунлар, қарорлар ва дастурларнинг жойлардаги ижросини ўрганишмоқда.

ЎзХДПдан сайланган фарғоналик депутатлар Жўрақўзи Қўлдошев, Қаҳҳор Ибрагимов, Мастура Сайфутдинованинг аҳоли билан учрашувлари долзарб масалалар муҳокамаси, қонунчиликдаги янгиликлар тарғиботи, амалдаги айрим қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги таклифлар, энг муҳими, қонун ижроси юзасидан назорат таҳлилига айланиб кетди.

ЎзХДП Олтиариқ туман кенгаши аҳолининг депутат Қаҳҳор Ибрагимов билан учрашувига аввалдан пухта тайёргарлик кўрди. Тумандаги хизмат кўрсатиш идоралари, ўз ўзини бошқариш органлари, партия фаоллари билан маслаҳатлашиб, учрашувлар тартиби белгиланди. Ҳар бир масала юзасидан мутахассислардан иборат экспертлар гу-

руҳи тузилди. Депутат сайлов округига келгач, дастлаб ишчи гуруҳи йиғилиши ўтказилиб, амалга оширилиши лозим бўлган масалалар таҳлил қилинди, ҳисобдорлар ва масъуллар белгиланди. Учрашувларда муҳокама қилиниши лозим бўлган масалаларга яна бир марта аниқлик киритилди. Шундан кейин мулоқотлар бошланди. Энди депутат беш ойлик фаолияти ҳақида ҳисобот бериб қолмай, аҳолининг бугунги кун талабини ҳис қилган ҳолда, улар ўртага ташлаган ҳар бир масалага атрофлича ёндашди.

Учрашувларда асосий диққат-эътибор «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун ижросига қаратилди.

— Депутатлар билан учрашув жуда қизиқарли, муҳими, амалий

руҳда ўтди, — дейди фуқаро И.Сиддиқова. — Биз қайси масала ҳақида гапирмайлик, депутат ундан хабардорлигини ҳис қилдик, чунки у бу борада қилинаётган ишларни далиллар билан изоҳлаб берди.

— Учрашувдан кўнглим тўлди. Унда депутат билан бирга, ўнга яқин ишчи гуруҳи аъзолари ҳам иштирок этиб, ўз соҳаларида саволларимизга жавоб бердилар, — дейди Р.Пармонов. — Ўйлайманки, бу яхши анъана бўлиб қолади.

Ўзбекистон туманининг Тағоб қишлоқ фуқаролари йиғинида депутат Жўрақўзи Қўлдошев иштирокидаги ана шундай учрашувда сўзга чиққанлар мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари эътироф этилди, қонунчилик ва ижро интизомини мустаҳкамлашга қаратилган таклифлар билдирилди. «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун талабларини бузган мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жазо чоралар белгилашга доир масалаларни қонунларда акс эттиришни такомиллаштиришни Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиш ҳақида мулоҳаза билдирилди.

Бу учрашув нимани кўрсатди?

Одамлар депутатнинг халқ ичига кириб, маҳаллий ижтимоий-иқтисодий муаммолар, қонунлар ижроси билан жиддий шуғулланаётганини ҳис қилишди, айтиш чоғда ўзлари ҳам бу жараёнда фаоллашдилар. Шу маънода, депутат ва сайловчи муносабатларини янгича руҳда шакллантириш тажрибаси ўзини оқламоқда, дейишга асос етарли.

Муҳаммаджон ОБИДОВ

ШХТга янги аъзолар қабул қилинадими?

Маълумки, 22 май куни Тошкентда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда ташкилотга янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низом лойиҳаси маъқулланди. Ушбу Низом 10-11 июнь кунлари пойтахтимизда ўтадиган ШХТ давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида тасдиқланади.

■ Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти — Евроосиё худудининг олтинчи фоизидан кўпроғи, дунё аҳолисининг чорак қисмини ўзида бирлаштирган энг нуфузли халқаро ташкилотлардан бири. 2004 йилнинг 1 январидан бошлаб амалий механизмлари, маъмурияти ва газнасига асос солинган ШХТ таркибига Ўзбекистон, Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон киради. Покистон, Эрон, Мўғулистон ва Ҳиндистон кузатувчи, Беларусь ва Шри-Ланка эса мулоқот бўйича ҳамкор мақомига эга. Ташкилот саммитларига МДҲ, АСЕАН ва Афғонистон раҳбарлари таклиф этилади.

Тошкентда бўлиб ўтадиган ШХТ аъзо давлатлар раҳбарлари мажлисида кузатувчи мақомидаги давлатлардан қай бири тенг ҳуқуқли аъзолар сифатида қабул қилиниши маълум бўлади. Аъзо мамлакат ШХТ Хартияси мақсадлари ва тамойилларига, шунингдек, Ташкилот доирасида қабул қилинган бошқа халқаро шартномалар ва ҳужжатлар қоидаларига риоя этиш мажбуриятини олади.

Янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низом дунёга минтақанинг бошқа давлатлари учун ШХТ очиклигини намойиш қилди ва ўз навбатида, унинг халқаро структура сифатида бугунги кунда қатор долзарб муаммоларни кўтариб чиқаётгани, уларни ҳал қилишда ўрнатилган олаётгани билан жаҳон жамоатчилиги эътиборига тушмоқда.

Шу йилнинг 5 апрель куни БМТ бош котиби Пан Ги



Муннинг Ўзбекистонга ташрифи доирасида БМТ ва ШХТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация имзоланди. Бу ҳужжатнинг имзоланиши умумий манфаатларни ифода этадиган соҳалар, жумладан, низоларнинг олдини олиш ва бар-тараф этиш, терроризмга қарши курашиш, оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик, барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш, атроф-муҳит емирилиши муаммоларини ҳал этиш ва бошқа шу каби соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

ШХТ ҳарбий структура эмас

У асосан, аъзо давлатларнинг хавфсизлигини таъминлашга масъулдир. Ташкилот қабул қилган «Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш тўғрисида»ги Конвенция доирасида 2003 йилда Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШХТ МАТТ) ташкил этилган. Тузилма қароргоҳи пойтахтимиз Тошкент шаҳрида жойлашган.

Шаҳобиддин МУСАЕВ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Меҳрнинг сурати

имконияти чекланган болалар чизган расмларда акс этди

— Танловда Ҳасан-Хусан фарзандларим иштирок этапти, — дейди Дилора Хўжаева. — Болаларим уйда таълим олишади. Устозларининг эътибори, дилбандларимнинг қизиқишларини аниқлаш ва уни ривожлантиришга кўмаги туфайли болаларим бугунги танлов иштирокчиси бўлдилар.

Республика танловига қатнашадиган иштирокчи аниқланди. Бошқа ғолиблар ҳам ҳомийлар — Ногиронлар жамияти Тошкент шаҳар бўлими, Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Мирзо Улуғбек номли маданият ва истироҳат боғи маъмуриятининг совғалари билан тақдирландилар.

Болалар байрам дастурхони атрофида куй-қўшиқ тинглаб, рақсга тушдилар, боғни айланиб, турли аттракционларда ўйнадилар. Қисқаси, ушбу танлов баҳона ўзларига эътибор ва меҳрни яна бир бор ҳис этдилар. Бу меҳр келажакда улар чизадиган суратларда яна акс этаверади.

(Ўз мухбиримиз)

ОРОМГОҲЛАР МАВСУМИ БОШЛАНМОҚДА



■ Ҳадемай дам олиш масканлари, оромгоҳлар болалар билан тўлади. Тегишли ташкилотларнинг энг муҳим вазифаларидан бири фарзандларимизнинг ёзги таътили кўнгилдагидек ўтишини таъминлашдир. Оромгоҳларга болаларни олиб бориш ва келишда қандай хавфсизлик қоидаларига амал қилиш талаб этилади?

— Болаларни оромгоҳларга олиб борадиган автобуслар йўл патруль автомобиллари кузатувида манзилга йўл олиши шарт, — дейди ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси матбуот хизмати катта инспектори, подполковник Мансуржон Рихсиев. — Бунда аввало автобуслар техник жиҳатдан, ҳайдовчилар эса тиббий кўрикдан ўтказилади. Қайд этиш керакки, фарзандларимизни соғ-саломат оромгоҳларга олиб бориш ва қайтишларини таъминлаш учун бу йил республика бўйича 250 та патруль автомобили ва 1000 нафарга яқин давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги ходими жалб этилади. Мавсум бошлангунча «Ўзавтойўл» ДАК ва Халқ таълими вазирлиги ходимлари билан ҳамкорликдаги комиссия томонидан оромгоҳларга элтувчи 4436 км. автомобиль йўлининг ҳолати ўрганиб чиқилди. Кўприклар, те-

Болаларни дам олиш масканларига жўнатиш ва олиб келиш учун жорий йилда 250 та йўл патруль автомобили ва 1000 нафарга яқин йўл ҳаракати хавфсизлиги ходими жалб қилинади

мир йўл кесишмалари, сунъий сув ҳавзалари бор жойларга 629 та янги йўл белгиси қўйилди. 87567 метр квадрат йўл қопламасидаги чуқурча ва нотекисликларни таъмирлаш учун йўл ташкилотларига тақдимномалар киритилди.

— Тошкент вилояти фавкулда вазиятлар, «Тошгидромет» бошқармалари, Хавфли геологик жараёнларни кузатиш хизмати станциялари, давлат санитария эпидемиология назорати маркази мутахассислари, ҳудудий ҳокимликлар, ички ишлар ва ёнғин хавфсизлиги бўлимлари ходимлари иштирокида Тошкент шаҳри ва вилоят ҳудудларида жойлашган 22 та ёзги болалар оромгоҳларини мавсумга тайёрлаш ҳолати ўрганиб чиқилди, — дейди Тошкент шаҳар Фавкулда вазиятлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари, подполковник Элдор Орипов. — Болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг аксарияти тоғ ва тоғолди худудида жойлашганлиги сабабли, бу масканлар атрофида кўчки, сел ва сув тошқини, ёнғин рўй бериши каби хавф бўлган жойлар тўғрисида мутасадди идоралар раҳбарларига зарур тавсиялар берилди. Болаларнинг соғломлаштириш оромгоҳлари атрофида жойлашган тунги қаҳвахоналарда мавсум давомида спиртли ичимликлар сотилмаслиги қатъий назоратга олинди.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

СУВ ИЧКИНГИЗ КЕЛЯПТИМИ?..

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Долзарб мавзу! ■ Юртимизда ёз фасли бошланиши билан ҳаво ҳарорати кундан-кунга қизигандан-қизиб боради. Шундай пайтларда муздекгина сув кўзимизга жилваланиб кўринади. Сув ҳавзалари ёзнинг иссиқ тафтини енгиш учун келган одамлар билан тўлиб-тошади, савдо расталарини безаб турган турли-туман чанқовбосди салқин ичимликлар, газланган ва газланмаган минерал сувлар бозори қизийди. Айниқса, болалар кўча-кўйда мириқиб ўйнаб, чанқагач, ташналигини қондириш учун кўчадаги қувур ёки шлангдан ҳовлига оқизиб қўйилган муздек сувдан ичишади.

Шу ўринда савол туғилади: бундай сувлар истеъмол қилишга яроқлими? Сифатсиз сувни ичиш қандай оқибатларга, тўғрироғи, касалликларга олиб келади?

Маълумотларга қараганда, дунё бўйича икки миллиарддан кўпроқ одам ичимлик суви етишмаслигидан азоб чекади. Ҳар йили уч миллиарддан ортиқ инсон сув билан боғлиқ турли касалликларга дучор бўлмоқда. Улардан қарийб 3 миллион нафари эса ҳаёт билан видолашмоқда. БМТ томонидан 2005-2015 йиллар — Халқаро ҳаёт учун сув ўн йиллиги, деб эълон қилинган.

Республика давлат санитария ва эпидемиология маркази бош врачлари ўринбосари **Венера БАРАТОВА** билан суҳбатимиз айнан шу мавзуда бўлди.

— Истеъмолга яроқсиз бўлган сув ўткир юқумли ичак инфекцияларини — ичбуруғ, вирусли гепатит ва ихериоз сингари кўплаб хасталикларни келтириб чиқаради, — дейди у. — Шунинг учун сувни истеъмол қилишдан аввал унинг сифатини билиш, очиқ сув ҳавзалари — дарё, кўл ва ҳовузлардан фойдаланишда ўта эҳтиёткор бўлиш зарур. Мамлакатимизда ўтган асрнинг 60-70-йилларигача аҳолини марказлашган, сифати кафолатланган ичимлик суви билан таъминлаш даражаси жуда паст эди. Бу эса ўша йилларда ўткир ичак инфекциялари, ич терлама, бруцеллёз, полиомиелит, вирусли гепатит ва сув орқали юқадиган бошқа турли хасталикларнинг кўпайишига сабаб бўлган. Бугунги кунда республикамиз аҳолиси марказлашган ва сифати кафолатланган ичимлик суви билан таъминланган. Марказлашган қувур сувларининг таркиби жойлардаги ҳудудий давлат санитария-эпидемиология марказлари томонидан доимий равишда назорат қилинади. Лекин қувурлар ҳам металл. Агарда, улардан бир муддат сув келмаса, юза қатламида занглаш ва оксидланиш юз беради. Шунинг учун қувур сувларини ҳар қандай ҳолатда ҳам қайнатиб ичиш керак. Тўғри, сув таркибидаги турли зарарли микроорганизмларни ўлдириш мақсадида хлорланади. Бироқ, у ҳам кимёвий модда. Меъеридан ортиқ ёки кам бўлган хлорланган сув инсон организмига салбий таъсир кўрсатади. Сув қайнатилганда, нафақат унинг таркибидаги хавфли микроблар ўлади, балки хлорли ва бошқа оғир кимёвий моддалар ҳам чўкади.

— Ёз фаслида айримлар хоҳ минерал, хоҳ қувур суви бўлсин, музлаткичга қўйилган сувни ичишни хош кўришади. Бунинг зарари қай дара-

жада?

— Терлаб келиб совуқ сув ичиш нафас йўлларидаги яллиғланишига, иммунитетнинг сусайишига олиб келади. Аслида, томоқ тизими ва ташқи нафас олиш йўллари организмни ҳар хил микроблардан муҳофаза қилувчи қатлам вазифасини ўтайди. Яллиғланиш жараёни бошланиши билан мазкур қатлам бузилади ва турли зарарли вирусларнинг, ҳаводаги иккиламчи микробларнинг организмга, у орқали эса қонга ўтиши учун йўл очади. Инсон тана-наси учун зарур бўлган, уни турли зарарли моддалардан ҳимоя қиладиган сапрофитлар ўз вазифасини бажара олмай қолади.

Иссиқ кунларда кўчадан келиб, совуқ сув ичиш, айниқса, болаларда ёмон асорат қолдиради.

Шунинг учун ёз кунларида 18-22 градусдаги хона ҳароратида сақланган қайнатилган сув организм учун жуда фойдали. Бу оптимал шаро-

итда тавсия қилинадиган энг яхши ичимлик ҳисобланади. Жигар, ичак ҳамда ошқозонда сурункали хасталиклари бўлмаган кишилар кўёш нурда туриб қолмаган, сифати кафолатланган салқин чанқовбосди ичимликлар, газланган ва газланмаган минерал сувларни ҳам бемалол истеъмол қилишлари мумкин. Салқин ичимликлар харид қилаётганда, сотувчидан албатта сифати кафолатланганлиги ҳақидаги ҳужжатни кўрсатишини талаб қилиш керак.

— **Дарвоқе, газланган ва газланмаган минерал сувлар ҳақида тўхталсингиз. Улар нимаси билан фарқланади?**

— Маъданли сув ёрлигига нималар ёзилганидан қатъи назар, унутмангки, 100 фоиз табиий сув бўлиши мумкин эмас. Сабаби, сув аввалига дағал зарралардан тозаланади ва филтрдан ўтказилади. У кимёвий элементлар: хлор ёки ултраби-нафша нурлар ёрдамида за-

Ёз кунларида 18-22 градусдаги хона ҳароратида сақланган қайнатилган сув организм учун жуда фойдали.



рарсизлантирилади ва ҳар хил витаминлар билан тўйинтирилади. Газланмаган сувнинг кимёвий таркиби мутлақо хавфсиз. Тузлар миқдори ҳам балансга келтирилган. Салқинлаштирувчи хусусиятга эга бўлган бундай ичимликни катталар ҳам, кичик ёшдаги болалар ҳам истеъмол қилишлари мумкин.

Газланган сув карбонат ангидрид билан бойитилади. Сувни газлаштиришдан мақсад уни зарарсизлантириш ва яроқлилик муддатини узайтиришдир. Унинг фойдали томони, чанқоқни газланмаган сувга нисбатан яхшироқ босади. Сувнинг турли микроблардан холилиги ҳам кафолатланган. Иккинчи томондан, у ошқозондаги кислотани миқдорини ошириб

юборади, ошқозон шиллик пардасининг яллиғланишига олиб келади. Шу боис гастритга чалинган кишиларга газланган сувларни ичиш тавсия этилмайди. Бундан ташқари, дорихоналарда минерал тузларга тўйинтирилган, газланган шифобахш маъданли сувлар сотилади. Бу турдаги сувлар ошқозон-ичак, буйрак, жигар, нафас йўллари тизимига оид касалликларни даволаш хусусиятига эга. У энгил антисептик таъсирга эга бўлиб, танадаги жароҳатларни йиринглашдан сақлайди. Магний ва биокарбонат моддаларига бой бўлган бундай сувлар спортчилар учун жуда фойдали.

Дарҳақиқат, ер юзидаги жамики тирик мавжудот сингари инсон учун ҳам энг асосий ҳаётий озуқа бу — сув. Бутун танамизнинг учдан икки қисми, яъни 65 фоизи сувдан иборат. Агар одам организмидеги мавжуд сув миқдори 2 фоизга камайса, у чанқайди, 6-8 фоиз йўқотилса, ўзини ёмон ҳис қиладди. Бу кўрсаткич 12 фоизга тушса инсон ҳаётига хавф туғилади. Демак, организмнинг тирикчилиги бевосита сувга ҳам боғлиқ. Лекин қандай сувни, қанча миқдорда ичишимиз керак? Бу борада шифокор маслаҳатларига амал қилсак, ўзимизнинг, фарзандларимизнинг, яқинларимизнинг саломатлигини асраган бўлаемиз.

Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

«Бир кунда саккиз стакан сув — соғлом ҳаёт гаровидир» — бу қанчалик тўғри?

Ҳамма нарсанинг ҳам меъёри бор. Инсонларнинг бир кунда 2—2,5 литр сув ичиши нормал ҳолат ҳисобланади. Буни тиббиёт ҳам тасдиқлаган. Меъеридан ортиқ ичилган сув организмнинг зўриқишига сабаб бўлади. Яъни мазкур ҳолатда буйраклар одатдагидан тез ишлайди, қон айланиш тизимида моддалар алмашинуви кучайиб, юракнинг бир меъёрда ишлашига тўсқинлик қиладди. Таъкидлаш жоиз, бирор-бир касаллик туфайли ҳарорати

кўтарилган одамларга одатдагидан кўпроқ сув-суюқлик ичиш тавсия этилади. Бу тер орқали бемор организмдан чиқиб кетган сувнинг ўрнини тўлдиради, энг муҳими, қондаги вирусли инфекциялар ва бошқа бактерияларнинг пешоб орқали тезроқ чиқишини таъминлайди. Яъни, таом ҳазм қилиш жараёнида ҳосил бўлган иккиламчи моддалар ҳамда қондаги микробларни ҳайдашда сувнинг ўрни бекиёс.

Ўзбекистон темир йўлларида

Диққат, янгилик!

■ 4 июнь куни Тошкент марказий темир йўл вокзалида йўловчи локомотивлар паркига янги замонавий электровозлар харид қилиш инвестицион лойиҳасига мувофиқ Хитойдан келтирилган иккита электровознинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.



Мамлакатимизда Президентимиз бошчилигида темир йўл транспортини ривожлантиришга ҳамиша катта аҳамият бериб келинмоқда. Шу мақсадда «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг локомотив паркани янгилашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу йўналишда амалга оширилаётган инвестицион лойиҳа асосида янги электровозлар келтиришга қарор қилиниб, Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги келишувга биноан Чжучжоу шаҳридаги электровозсозлик компаниясига 15 та электровоз тайёрлаб бериш юзасидан буюртма

берилган эди. Булар замонавий электровозлар бўлиб, жисмоний ва маънавий эскириб қолган локомотивлар ўрнини эгаллаши кўзда тутилган.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистондаги темир йўл линияларининг умумий узунлиги 4300 километри ташкил этади. Унинг 1000 километрга яқини электрлаштирилган. Мамлакатимиздаги темир йўл локомотивларининг 23,5 фоизи электровозлар ҳиссасига тўғри келади. Яқин ўн йил ичида юртимиздаги электрлаштирилган темир йўллар узунлиги 2000 километрга етади. Йўловчи поездларининг ҳаракат тезлиги 160

км/соатни, юк поездлари тезлиги эса 120 км/соатни ташкил этади.

2002 йилда имзоланган шартномага биноан хитойлик шериклар Ўзбекистонга 12 та электровоз етказиб беришди. Электровозлар ёрдамида юртимизда йилига йўловчиларнинг 43 фоизи ва юкларнинг 30 фоизи ташилмоқда. Хитойда ишлаб чиқарилган электровозлар Ўзбекистондаги фойда-

ланувчилар ишончини қозонди. Шу боис мамлакатимиз 2008 йилда Хитойдан янги, техник кўрсаткичлари жиҳатидан анча илғор локомотивлар партиясини сотиб олишга қарор қилганди.

Чжучжоу электровозсозлик компанияси (ЧЭК) Ўзбекистоннинг янги буюртмасини бажаришда республикаимизда темир йўлларнинг оралиғи Хитойдагидан кўра 85 миллиметрга кенгроқлигини, минимал ҳарорат — минус 40 даражага тушиб кетиши ёки максимал +50 даражага чиқиб кетишини ҳисобга олган. Мазкур лойиҳада Германиянинг электротехник воситалар етказиб берувчи «Сименс» компанияси тўла иштирок этапти.

тон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкига Хитой «Эксимбанк»и томонидан 20 йил муддатга тақдим этилган кредит маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Лойиҳанинг умумий баҳоси 75,53 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Барча 15 та электровоз фойдаланишга топширилгандан сўнг йиллик йўловчи ташиш айланмаси 2012 йилга бориб 355 миллион йўловчи километрини ташкил этади.

Лойиҳани амалга ошириш натижасида йўловчиларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, йўловчи поездларни тортиш харажатлари ва эксплуатацион харажатларни қисқартириш, йўловчилар-

ЯНГИ ЭЛЕКТРОВОЗЛАР

ЧЭК билан тузилган шартноманинг қиймати 73,8 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Лойиҳани молиялаштириш эса Хитой томонидан Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларга ажратиладиган маблағлар ва «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириляпти. Шартнома қийматининг 95 фоизи Ўзбекис-

нинг Тошкентдан Самарқандга етиб бориш вақтини 30 дақиқага қисқартириш, поездлар ҳаракатига сарфланадиган электр энергияни асинхрон двигателлар қўллаш ҳисобига 15 фоиз қисқартириш, йўловчи поездларни тортиш учун электр энергияни тежаш имконини берувчи рекуператив тормоз тизими ҳисобига йўловчи поездларни ҳаракатига сарфланадиган

Яна бир имконият

Шу йилнинг 1 июнидан бошлаб Самарқанд — Тошкент — Самарқанд йўналиши бўйича қатновчи 3/4 рақамли «Регистон» экспресс поезда ҳаракати бошланди. — Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, — дейди «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компаниясига қаршли «Ўзтемирйўлийўловчи» ОАЖ директори Шаҳобиддин Мирзааҳмедов. — Бу поезд иш кунлари эрталаб соат 6 дан 20 дақиқа ўтганда Самарқанддан йўлга чиқиб, 9 дан 50 дақиқа ўтганда Тошкентга етиб келади. Тошкентдан эса 18-20 да йўлга чиқиб, 21-50 да Самарқандга етиб боради. Демак, 3,5 соатда манзилга етилади. Поезддаги жами 6 та вагон яхшилаб жихозланган бўлиб, йўловчиларга барча қулайликлар яратилган. 4 та вагон биринчи классли бўлиб, ҳар бирида 39 йўловчи, 1 та вагон эса 2-классли бўлиб, унда 54 йўловчи манзилига етиб олади. 1 та вагонда эса буфет жойлашган. Жами 210 йўловчига хизмат кўрсатилади. Барча вагонлар Тошкент вагонсозлик ва йўловчи вагонларини таъмирлаш заводидан тайёрланган.



Ҳакимжон СОЛЛИХОВ олган суратлар.

электр энергияни тармоққа қайтаришга эришилади.

Тақдимот маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Улғубек Розуқулов, Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаҳҳор Тўхтаев, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК раиси Ачилбой Раматов ҳамда хитойлик ва германиялик меҳмонлар нутқ сўзладилар.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ, Мирбаҳтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.



Тошкент шаҳар, Ҳамза туманидаги «QOGOZ BARAKA INVEST» масъулияти чекланган жамият шаклидаги хорижий корхона номи таъсисчилар қарори билан «ADM TEKSTIL» шаклида ўзгараётганлигини маълум қилади. Ушбу масала бўйича барча дебитор ва кредиторлар куйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Жарқўрғон кўчаси, 39-уй.

Тошкент шаҳар, Бектемир туманида жойлашган «YUSTAS-SHKET» МЧЖ (ИНН 300913113, ОКОНХ 51520) **тугатилади.**

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой муддат ичида куйидаги манзилда қабул қилинади: Порлоқ кўчаси, 4-уй, тел: 3444585

Прогнозлаштириш ва микроиқтисодий тадқиқотлар институти жамоаси Ижтимоий тадқиқотлар институти директори Турсун Аҳмедовга онаси

Муҳтарам аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Desk invest roof» МЧЖ жамоаси жамият директори Аброр Носировга отаси

Нозимжон НОСИРОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.



Давлат қарзи

13 триллион долларга етди

Жорий йилнинг июнь ҳолатига кўра, АҚШнинг давлат қарзи 13,051 триллион долларга етди, дея хабар беради мамлакат Молия вазирлиги.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакат президенти Барак Обама февраль ойи бошида давлат бюджетидagi камомадни қисқартириш, жаҳондаги иқтисодий вазиятни ҳисобга олган ҳолда, ҳаражатларни режалаштириш шартлиги ҳақида огоҳлантирган бўлишига қарамай бюджет камомадининг ўсиши давом этмоқда.

Бу ҳақда «Новости» АА хабар тарқатди.




Аҳоли сони

35,5 минг кишига камайди

«Росстат» эълон қилган манбаларда қайд этилишича, жорий йилнинг биринчи чорагида ҳам Россия Федерацияси аҳолиси сони камайишда давом этди, яъни 35,5 минг кишига (0,025 фоизга) камайди ва 1 апрель ҳолатига кўра, умумий аҳоли сони 141,9 миллион кишини ташкил этди.

Шуни таъкидлаш лозимки, камайиш даражаси аввалги йилларга нисбатан анча секинлашган. Ўтган йилнинг биринчи чорагида камайиш 46,9 миллион киши (0,033 фоиз)ни ташкил этган эди.

«Росстат» маълумотида кўра, Россия Федерациясининг 46 та субъектида туғилиш даражаси кўтарилган, 50 та субъектда эса ўлим даражаси пасайган.



19 нафар судья

ишдан олиниши керак

Украина Олий радасининг адолатли суд масалалари бўйича кўмитаси айни пайтда мамлакатда фаолият юритаётган 19 нафар судьяни ишдан олиш тўғрисидаги масалани парламентга тақдим этди. Улар орасида, дейилади «Главред» хабарида, Олий суд судьяси, Киев апелляция суди судьяси, Киев округ маъмурияти суди раиси ҳам бор.

Кўмита вакилларининг айтишларича, улар адолат тамойилларига қатъий риоя этиш юзасидан қасамёд қабул қилган бўлишларига қарамай, ўз фаолиятлари давомида адолат тамойилларини бузишган.

ҲАРБИЙ ДЕНГИЗ КУЧЛАРИНИНГ БОСҚИНЧИЛИК ҲАРАКАТИ

дунё мамлакатлари томонидан қораланмоқда

Шарҳ ■ Шу ҳафтанинг душанба тонгида юз берган воқеа, аниқроғи, Исроил ҳарбий денгиз кучлари томонидан содир этилган босқинчилик ҳаракати икки давлат — Исроил ва Туркия алоқаларига совуқчилик туширди.

Интернет манбаларида қайд этилишича, Туркия бугунги кунда Исроилга нисбатан ҳар қандай иқтисодий санкция қўллаш вариантларини кўриб чиқмоқда. Жумладан, биринчи галда «Мовий оқим-2» халқаро газ лойиҳасидан Исроилни маҳрум қилишни мўлжаллаб турибди.

Маълумки, ўтган йили мартда Россиянинг табиий газини Яқин Шарқ мамлакатларига (жумладан, Исроилга ҳам) ва ўша атрофдаги давлатларга етказиб бериш бўйича «Мовий оқим-2» халқаро лойиҳасини амалга ошириш юзасидан ишчи гуруҳи тузиш масаласида Россия — Туркия ўзаро шартлашиб олган эди. Ушбу лойиҳа бугунги кунда амалда бўлган «Мовий оқим-1» газ қувурига параллел равишда янги газ қувури тортиш масаласини назарда тутди (Қора денгиз орқали тортилган «Мовий оқим-1» газ қувури ёрдамида бугунги кунда Туркияга газ экспорт қилинмоқда).

Демак, Туркиянинг Исроил билан алоқалари янада чигаллашадиган бўлса, қўлланажак иқтисодий санкция келажакда Исроилни Россиягазидан баҳраманд бўлиш имкониятидан маҳрум этиши мумкин. Туркияда чоп этиладиган «Акшам» газетаси хабар беришича, ушбу масала шу кунларда ўтказиладиган ҳукуматнинг фавқулодда мажлисида кўриб чиқилади.

Араб давлатлари лигаси(АДЛ)га аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирлари ҳам Қоҳирада фавқулодда йиғилиш ўтказиб, Исроил ҳарбий денгиз кучлари амалга оширган босқинчилик билан боғлиқ масалани яқин кунларда ўтказилажак АДЛ саммитида кўриб чиқишга келишиб олдилар. Ушбу фавқулодда йиғилишда Сурия Исроил билан Фаластин ўртасида АДЛ воситачилигида олиб борилаётган тинчлик музокаралари тўхтатилишини талаб қилган бўлишига қарамай, вазирлар қалтис қадам ташлашдан ўзларини тийдилар. Бироқ АДЛ бош котиби Амир Муса лига Исроилнинг Ғазо минтақасини қамал қилишига чидаб келаётганини, агар бу муаммо яна чўзиладиган бўлса, сабр косаси тўлишини билдириб, баёнот берди.

Эквадор президенти Рафаэл Корреа эса айнан Исроил ҳарбий денгиз кучлари амалга оширган воқеадан сўнг ўз мамлакатининг Исроилдаги элчисини чақириб олди. Ниқарагуа эса Исроил билан дипломатик алоқаларини вақтинча тўхтатди. Умуман, Лотин Америкаси-

даги Аргентина, Бразилия, Боливия, Куба, Уругвай, Перу, Сальвадор, Венесуэла сингари давлатлар ҳам бу воқеага ўз муносабатларини билдириб, Исроил кучларининг босқинчилигини жиддий қоралади.

Эслатиб ўтамиз: шу ҳафтанинг душанбага ўтар тонгида Исроил ҳарбий денгиз кучлари Ғазо минтақасига 10 минг тонналик халқаро инсонпарварлик ёрдами олиб кетаётган 6 та кемадан иборат «Озодлик флотилияси»га қуролли ҳужум уюштирган. Ушбу флотилияда 700 дан ортиқ одам бор бўлиб, уларнинг кўпчилиги туркияликлар эди.

Исроил мазкур инсонпарварлик карвонини Ғазо минтақасига ўтказмаслик ҳақида флотилияни огоҳлантирган. Флотилия (бирор дарё, кўл ёки денгизда юрадиган ҳарбий кемалар мажмуи) йўлида давом этгач, ҳужумни амалга оширган. Натижада 9 нафар Туркия фуқароси қурбон бўлди, бир қанчаси бедарак йўқолди, 19 киши турли даражада тан жароҳати олди.

Бу қонли фожиа эса дунё ҳамжамиятини жунбушга келтирди.

Ўзбекистон ўз позициясини эълон қилди

Исроил ҳарбий денгиз кучларининг босқинчилик ҳаракати дунё ҳамжамияти томонидан жиддий қораланмоқда. Ўзбекистон ҳам бу борада ўз позициясини расмий эълон қилди. Республика Ташқи ишлар вазирлиги берган баёнотда Ғазо минтақасига бораётган кемаларнинг халқаро гуманитар конвойига Исроил ҳарбий денгиз кучларининг ҳужуми Ўзбекистонда чуқур ташвиш ва хавотир билан қабул қилинганлиги алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини олдиндан айтиш қийин бўлган кескинлик кучайишининг ва зўравонлик ёйилиб кетишининг олдини олиш зарур, деб ҳисоблайди

Алимкул СУЛТОНОВ шарҳлади.

Меморандум имзоланди

Мамлакатимизда стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва аккредитлашнинг замонавий тизимлари яратилган бўлиб, бу борадаги ишлар «Стандартлаштириш тўғрисида»ги, «Метрология тўғрисида»ги ҳамда «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонунлар доирасида изчиллик билан амалга оширил-япти.

Бу эса корхона, ташкилот ва фирма маҳсулотларининг ташқи бозорга чиқиш имкониятларини янада кенгайтирмоқда.

Яқинда «Ўзстандарт» агентлигида — Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ва Германиянинг стандартлаштириш институти (DIN) ҳамда Франциянинг стандартлаштириш бўйича ассоциацияси (AFNOR) билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланди.

Келишувга биноан, маҳсулот ва хизматларни стандартлаштириш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва хизматларга тааллуқли давлат стандартларини халқаро стандартлар талаблари билан уйғунлаштириш йўналишида қатор амалий ишларнинг бажарилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, меморандумларда Германия ва Франциянинг стандартлаштириш бўйича миллий идоралари билан ўзаро маҳсулот ва хизматларга нисбатан белгиланган меъёрларни яқиндан ўрганиш, миллий стандартларимизни ушбу давлатларнинг стандартлари билан уйғунлаштириш, стандартлаштириш соҳасида ахборот ва тажриба алмашиш, мутахассисларни тайёрлаш ҳамда кооперация алоқаларини ўрнатиш ҳам кўзда тутилган.

Тоштемир ХУДОЙКУЛОВ

Жаҳон чемпионати — 2010

■ 11 июнь — 11 июль кунлари Жанубий Африка Республикасида футбол бўйича 19-жаҳон чемпионати бўлади. Учрашувлар мамлакатнинг 9 та шаҳридаги (Йоханнесбург, Порт-Элизабет, Кейптаун, Дурбан, Рустенбург, Блумфонтейн, Претория, Нелспрейт, Полокване) кўркам стадионларда ўтказилади.

№	А гуруҳи	1	2	3	4	Т	О
1	ЖАР						
2	Мексика						
3	Уругвай						
4	Франция						

№	С гуруҳи	1	2	3	4	Т	О
1	Англия						
2	АҚШ						
3	Жазоир						
4	Словения						

11.06 ЖАР — Мексика
11.06 Уругвай — Франция
16.06 ЖАР — Уругвай
17.06 Франция — Мексика
22.06 Франция — ЖАР
22.06 Мексика — Уругвай

12.06 Аргентина — Нигерия
12.06 Жанубий Корея — Греция
17.06 Греция — Нигерия
17.06 Аргентина — Жанубий Корея
22.06 Греция — Аргентина
22.06 Нигерия — Жанубий Корея

№	В гуруҳи	1	2	3	4	Т	О
1	Аргентина						
2	Жанубий Корея						
3	Нигерия						
4	Греция						

№	Д гуруҳи	1	2	3	4	Т	О
1	Германия						
2	Австралия						
3	Гана						
4	Сербия						

12.06 Англия — АҚШ
13.06 Жазоир — Словения
18.06 Словения — АҚШ
18.06 Англия — Жазоир
23.06 Словения — Англия
23.06 АҚШ — Жазоир

13.06 Германия — Австралия
13.06 Сербия — Гана
18.06 Германия — Сербия
19.06 Гана — Австралия
23.06 Австралия — Сербия
23.06 Гана — Германия

№	Е гуруҳи	1	2	3	4	Т	О
1	Голландия						
2	Япония						
3	Камерун						
4	Дания						

№	Г гуруҳи	1	2	3	4	Т	О
1	Бразилия						
2	КХДР						
3	Кот-д'Ивуар						
4	Португалия						

14.06 Голландия — Дания
14.06 Япония — Камерун
19.06 Голландия — Япония
19.06 Камерун — Дания
24.06 Камерун — Голландия
24.06 Дания — Япония


14.06 Италия — Парагвай
15.06 Янги Зеландия — Словакия
20.06 Парагвай — Словакия
20.06 Италия — Янги Зеландия
24.06 Парагвай — Янги Зеландия
24.06 Словакия — Италия

№	Ғ гуруҳи	1	2	3	4	Т	О
1	Италия						
2	Янги Зеландия						
3	Парагвай						
4	Словакия						

№	Н гуруҳи	1	2	3	4	Т	О
1	Испания						
2	Гондурас						
3	Чили						
4	Швейцария						

15.06 Кот-д'Ивуар — Португалия
15.06 Бразилия — КХДР
20.06 Бразилия — Кот-д'Ивуар
21.06 Португалия — КХДР
25.06 КХДР — Кот-д'Ивуар
25.06 Португалия — Бразилия

16.06 Гондурас — Чили
16.06 Испания — Швейцария
21.06 Чили — Швейцария
21.06 Испания — Гондурас
25.06 Чили — Испания
25.06 Швейцария — Гондурас



Йил, ўтказилган жой, учрашув натижаси

1930	Уругвай	Уругвай — Аргентина — 4:2
1934	Италия	Италия — Чехословакия — 2:1
1938	Франция	Италия — Венгрия — 4:2
1950	Бразилия	Уругвай — Бразилия — 2:1
1954	Швейцария	ГФР — Венгрия — 3:2
1958	Швеция	Бразилия — Швеция — 5:2
1962	Чили	Бразилия — Чехословакия — 3:1
1966	Англия	Англия — ГФР — 4:2
1970	Мексика	Бразилия — Италия — 4:1
1974	ГФР	ГФР — Голландия — 2:1

1978	Аргентина	Аргентина — Голландия — 3:1
1982	Испания	Италия — ГФР — 3:1
1986	Мексика	Аргентина — ГФР — 3:2
1990	Италия	ГФР — Аргентина — 1:0
1994	АҚШ	Бразилия — Италия — 0:0 (пен. бўйича 3:2)
1998	Франция	Франция — Бразилия — 3:0
2002	Ж.Корея/ Япония	Бразилия — Германия — 2:0
2006	Германия	Италия — Франция — 1:1 (пен. бўйича 5:3)
2010	ЖАР	



1/8 финал

49. 26.06 A1 — B2
50. 26.06 C1 — D2
51. 27.06 D1 — C2
52. 27.06 B1 — A2
53. 28.06 E1 — F2
54. 28.06 G1 — H2
55. 29.06 F1 — E2
56. 29.06 H1 — G2

1/4 финал

57. 2.07 53 — 54 ўйинлар
голиби
58. 2.07 49 — 50 ўйинлар
голиби
59. 3.07 51 — 52 ўйинлар
голиби
60. 3.07 55 — 56 ўйинлар
голиби

1/2 финал

61. 6.07 57 — 58 ўйинлар
голиби
62. 7.07 59 — 60 ўйинлар
голиби

3-ўрин учун

63. 10.07 61-62 ўйинлар
мағлуби

Финал

64. 11.07 61-62 ўйинлар
голиби

Омонатдаги маблағингиз ўн карра ортишини хоҳлайсизми? Марҳамат!

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

Сизга янги «ЖАМФАРМА» ютуқли жамғарилувчи омонатини таклиф этади.

Омонат бўйича фоиз даромадлари билан бирга, ўтказилдиган ютуқлар тиражи натижасига кўра 110 та пул ютуқларидан бирининг соҳиби бўлишингиз мумкин.

Ютуқлар омонат қолдиғининг 10 фоиз, 20 фоиз, 30 фоиз, 50 фоиз, 100 фоиз, 200 фоиз, 500 фоиз ҳамда 1000 фоиз миқдорида белгиланади.

Ютуқлар тиражи жорий йил декабрь ойининг иккинчи декадасида ўтказилади.

ҲАМ ДАРОМАД, ҲАМ ИМКОНИАТ!

Қўшимча маълумотларни 150-12-91 телефони орқали олишингиз мумкин.

ХАЛҚ БАНКИ —
СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ
БАНКИ!

Хизматлар лицензияланган

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ
DEMOKRATIK PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

MANZILIMIZ:

100000, TOSHKENT,
MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
Navbatchi:
Abdusalim Mahmudov

«Sharq» nashriyot-
matbaa
aksiyadorlik
kompaniyasi
Korxonalar manzili:
Buyuk Turon ko'chasi,
41-uy.

Г — 549

13355 nusxada bosildi t — Tijorat materiallari

ISSN 2010-7633

O'zA yakuni — 21.15 Topshirilgan vaqti — 03.45

1 2 4 5

Sotuvda erkin narxda